O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 22 сентябрь ШАНБА

№ 78 (11.985)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Пахта – 2007



## ЧАНОҚЛАРДА ЧАҚНАГАН ҲОСИЛ

**Вилоятимиз пахтазорларидан шартномавий режани бирин-кетин бажараётган фермер хўжаликлари ҳақида хушхабарлар келишда давом этмоқда.**

Эътиборли жиҳати шуки, давлат эҳтиёжлари учун пахта тайёрлаш буюртмасини биринчи теримдаёқ уддалаётган фермерлар етиштирган хом ашё фақат юқори навларга қабул қилинаяпти. Бу ўз-ўзидан мавсумда илғорлик қилаётган хўжаликлар иқтисодига тузуккина фойда келтириши шубҳасиз.

Бу мавсум қуйичирчиқлик фермерларнинг шашти айниқса, баланд. Улар йиғиштирилган ҳосилни пешма-пеш қабул пунктларига юбориб, кунлик иш унуми ва суръатини тобора ошираётирлар.

Хусусан, Қўчқор Холматов бошчилик қилаётган «Шоира» фермер хўжалиги пахтакорлари ёз бўйи қилган меҳнатлари самарасидан мамнунлар. Улар туманда биринчилардан бўлиб шартнома режасини ортиғи билан бажардилар.

– Саккиз гектар майдонда мўл ҳосил етиштирганимиз эвазига, – дейди фермер, – биринчи терим тугамасданоқ маррага етдик. Қабул пунктларига 21 тонна сифатли хом ашё етказиб бердик. Қолган пахтани ҳам пешма-пеш териб олиб, ҳосилдорликни 32 центнерга етказиш ниятидамиз.

**СУРАТДА:** фермер Қўчқор Холматов. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

***Бу йилги мавсумда илғорлик қилиб, давлат эҳтиёжлари учун пахта етказиб бериш контрактация шартномаларини бажаришга муваффақ бўлган фермер хўжаликлари рўйхати билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз.***

## НОННИНГ УВОҒИ ҲАМ НОН

**Уйимизга меҳмон келганда дастурхонга албатта биринчи бўлиб нон қўямиз. Негаки, нон – ризқ-рўзимиз, дастурхонимиз кўрки ҳисобланади. Нон ўзининг тўйимлилиги, таъми билан ажралиб туради. Унинг таркибида жуда кўп фойдали моддалар – инсон саломатлиги учун ниҳоятда зарур бўлган оқсиллар, углеводлар, витаминлар ва микроэлементлар бор. Шу сабабли кўплаб халқларнинг қадимги ривоят ва афсоналарида нон тинчлик, меҳр-шафқат, фаровонлик, бахтга қиёсланади.**

Президент Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришишини истиқлолимизни мустаҳкамлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида белгилади. Юртбошимизнинг Ўзбекистонни барқарор иқтисодий ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишга йўналтирилган, узоқни кўзлаган оқилона сиёсати тўғрилигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди. 1991 йилгача республика учун зарур ҳисобланган дон ва уннинг қарийб 80 фоизи четдан олиб келинар эди. Бугун эса ўз эҳтиёжларимизни тўлиқ қондирибгина қолмай, балки ғаллани қўшни МДҲ давлатлари, Эрон, Афғонистон ва бошқа мамлакатларга экспорт ҳам қилмоқдамиз. Масалан, 1989 йилда республикада аҳоли жон бошига 35,1 килограмм дон етиштирилган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 139,8, 2006 йилда 230,6 ва жорий йилда эса 232,8 килограммни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришгани иқтисодиётимиз ҳамда ҳар бир фуқаро учун катта аҳамиятга эгадир. Гап шундаки, сўнгги йилларда дунёнинг айрим минтақаларида дон етиштириш сезиларли равишда пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Бунинг натижасида уни экспорт қилиш миқдори пасайиб, бозордаги нарх-наво ортиб бораётир. Оммавий ахборот воситалари кўплаб табиий офатлар – тошқин, қурғоқчилик, довул, кучли шамол ҳақида мунтазам маълум қилмоқда. Бу офатлар, ўз навбатида, катта йўқотишлар, жумладан ғаллачиликда ҳам нобудгарчиликка олиб келмоқда. Мисол учун, Канадада ғалла етиштириладиган майдонлар 17 фоизга камайган, умумий ҳосил миқдорининг ҳам сезиларли тарзда пасайиши дон экспортини 22 фоиз камайтиришга сабаб бўлган. Ғарбий Европада ёққан кучли ёмғирлар ҳам ҳосилга салбий таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан бу ерда жойлашган мамлакатларда буғдой экспорти учун бож жорий этиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилмоқда. Шимолий Африка давлатлари эса сўнгги йилларда қурғоқчиликдан азият чекмоқда. Масалан, Мароккода ғалла етиштириш ҳажмининг 76 фоизга қисқариши туфайли унинг импортини икки баравар оширишга тўғри келди. Қурғоқчилик Украина далаларига ҳам жиддий зарар етказиб, мамлакат дон фондининг камайишига олиб келди. 2006 йилнинг ноябридан бу ерда буғдой экспорти учун чекловлар жорий этилди. Аргентина ҳукумати ҳам деҳқонларга дон экспортини чеклашни тавсия қилди. Австралия, АҚШ ва бошқа ғалла етиштирадиган давлатларда ҳам дон етиштириш сезиларли равишда камайди.



Биргина жорий йилнинг саккиз ойида буғдойнинг бозордаги баҳоси Европа Иттифоқи мамлакатларида 64,3, АҚШда 54,4, Австралияда 23,3 фоизга ошди. Кўплаб хорижий давлатларда юзага келган бундай вазият биринчи навбатда кунлик нон ва ун маҳсулотларини харид қиладиган оддий одамлар ҳаётига таъсир қилмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асосий озиқ-овқат маҳсулотлари учун қатъий ўрнатилган нархларни сақлаш ва белгилаш сиёсати амалга ошириб келинмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, инсон манфаати ҳамма нарсадан устун қўйиладиган Ўзбекистонда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа ижтимоий тўловлар мунтазам оширилмоқда. Бу эса мамлакатимиз ва жаҳон иқтисодиётини ривожлантириш билан бевосита боғлиқ бўлган нархларнинг ўсишини компенсация қилиш имконини бермоқда.

Юқоридаги далиллардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, жаҳонда дон ишлаб чиқариш ва етиштириш борасида юзага келган жиддий вазиятга қарамай, Ўзбекистонда республика аҳолисини жаҳон бозорида нархларнинг кескин ошишининг салбий таъсиридан ҳимоя қилишга қаратилган аниқ сиёсат амалга оширилмоқда. Ва, албатта, ушбу ҳимоя асосини ғалла мустақиллиги ташкил этади.

Ҳаётимизни нон, турфа ун маҳсулотларисиз тасаввур қилиш қийин. Тўйларимиз, турли маърака ва тадбирларимиз нонсиз ўтмайди. Бироқ, афсуски, уни етиштириш, нон қилиб ёпиш учун қанча меҳнат, куч ва ресурс сарфланишини кўпинча унутиб қўямиз. Шу сабабли турли тантаналар, тўйлар ва маросимларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда. Бунга чек қўйишимиз даркор.

Зеро, халқимиз азалдан нонни эъзозлаб, кўзига суртади. Негаки, ноннинг увоғи ҳам нон. Бу анъаналарни сақлаш ва қайта тиклаш ўз Ватани – Ўзбекистоннинг саховатли заминини севадиган, унда ўсаётган ҳар бир гиёҳ, етиштирилаётган ризқ-рўзимиз бўлмиш донни кўз-қорачиғидек эъзозлайдиган ватанпарвар инсонларни тарбиялаш асосларидан бирига айланиши лозим.

**А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"-ги қонуннинг "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналардаги ижросига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.***

## ҚОНУН ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Мазкур қўмита раиси А. Аҳадов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, компания ва банклар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Таъкидланганидек, номи зикр этилган қонунни бажариш бўйича компания тизимида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, унга қарашли корхоналарда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, корпоратив бошқарувни янада такомиллаштириш, молиявий барқарорликни ҳамда акциядорларнинг жамиятни бошқаришдаги фаол иштирокини таъминлаш юзасидан бир қатор ижобий ишлар олиб бориляпти. Таркибий ўзгаришлар рўй бермоқда, молиявий соғломлаштириш мустаҳкамланмоқда, инвестициялар жалб қилиниб, қўшимча иш ўринлари яратилмоқда.

Мажлисда тизимда қонун ижросини таъминлашда йўл қўйилган айрим хато ва камчиликларга эътибор қаратилди. Жумладан, компания ва унинг тизимидаги акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини қонун талаблари асосида юритишга масъулиятсизлик билан ёндашилгани ҳамда акциядорлик жамиятларида тегишли тартибда ички ҳужжатлар ишлаб чиқилмагани таъкидлаб ўтилди. Оқибатда 2006 йили тизимдаги айрим акциядорлик жамиятларида ҳисобланган дивидендлар ўз вақтида тўланмаган.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**ЎзА.**

**«Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Юртбошимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.**

## ИСТИҚБОЛ УЧУН ДАСТУРИЛАМАЛ

Пленумда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши аъзолари, ҳудудий кенгашлар раислари ва ўринбосарлари, депутатлик гуруҳи раҳбарлари, бошланғич партия ташкилотлари раислари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

– Президент маърузасида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин амалга оширилган ишлар илмий-тадқиқий ва тарихий нуқтаи назардан таҳлил этилди, яхлит хулосалар чиқарилди ва дастурий йўл-йўриқлар белгилаб берилди, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, партиянинг вилоят кенгаши раиси Шарифа Салимова. – «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концепцияси ишлаб чиқилиб, бу жараёнда фуқаролик жамиятининг бош институтлари ҳисобланган сиёсий партияларга ва уларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят партия гуруҳи ва партиянинг ўзаги ҳисобланган бошланғич ташкилотлар иш фаолиятини янада кучайтириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Хуршида НАЗАРОВА.**

## ҒАЛЛАКОРНИНГ ҚИЗҒИН КУНЛАРИ

***Асл деҳқонларнинг эътироф этишича, ғаллани айни кунларда сифатли экиб олиш мўл ҳосилнинг дастлабки муҳим омилидир***

Халқимизга истиқлол инъом этган энг катта неъматлардан бири бу шубҳасиз, мамлакатимизнинг дон мустақиллигини қўлга киритишидир. Айнан мустақиллик йилларида ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга эга бўлдик. Буғдой экиладиган майдонлар кенгайиб, асрлар мобайнида давом этиб келган ғаллачилик анъаналари мисли кўрилмаган даражада шаклланди. Содда қилиб айтганда, мамлакатимиз қисқа фурсат ичида донни четдан сотиб олишдан халос бўлиб, бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина қолмай, узоқ-яқин хориж мамлакатларига ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда.

Айни кузнинг илиқ-иссиқ кунларида вилоятимиз деҳқонлари ғалла экишни бошлаб юбордилар. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотларга кўра 2008 йил ҳосили учун жами 129 минг 500 гектар ерда дон етиштириш режалаштирилган. Унинг 14 минг гектари лалми майдонлардир. Асосий майдонларга деҳқонларимизга яхши таниш бўлган, вилоятимиз табиий шароитида синовдан муваффақиятли ўтган «Краснодар», «Плавчанка», «Крошка», «Интенсив» каби серҳосил навлар экилаётир.

Эътироф этиш жоизки, ғаллакорларимиз бу йил кузги дон экиш мавсумини барвақт бошлаб, эрта якунлаб олишни мақсад қилишган. Суяги ғаллачиликда қотган омилкор деҳқон-фермерлар, соҳа мутахассисларининг ҳам фикри шундай: кузги ғаллани экиб олишда энг қулай ва маъқул фурсат сентябрь ойининг ўрталаридан бошлаб, октябрь ойининг учинчи ўн кунлигигача бўлган вақтни ўз ичига олади. Ерни оби-тобида тайёрлаб, буғдойни шу муддатда сифатли экиб олган деҳқон ҳар жиҳатдан ютади. Аввало, ҳароратнинг меъёрида бўлиши уруғликнинг ҳам тез, ҳам бир текис униб чиқишини таъминлайди. Сабза урган майсалар кундузи қуёш нуридан қувват олиб, дуркун ривожланади, илдизи бақувватлашади, қалин туплайди. Бу шубҳасиз, экиннинг қаҳратон қиш синовларига бардошлилигини оширади, ҳосилдорлик юқори бўлишида катта аҳамият касб этади. Бу фикрларга эътироз қолмаслиги учун, айрим йиллар ерни вақтида тайёрлай олмай ёки ҳафсаласизлик қилиб, экишни ноябрь, декабрь ва ҳаттоки, январь ойларигача чўзиб юборган деҳқонлар ғалвирни сувдан кўтарадиган паллада пушаймондан ер чизиб қолишганини эслаш кифоя.



Шу маънода бу йилги мавсумга вилоятимизнинг барча туманларида пухта ҳозирлик кўрилиб, экиш муддатларининг аниқ режа ва жадваллари пухта ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётир. Ерни шудгорлаш ва қайта тайёрлашга 380 та ҳайдов трактори аввалдан таъмирланиб, шай ҳолатда жалб этилди. Шундан 115 таси юқори унумли «Магнум» тракторлари бўлиб, ҳозир уларнинг қувватидан тўлиқ фойдаланилаяпти.

Буғдойни имкони борича махсус сеялкаларда экишга ҳаракат қилинаяпти. Мавжуд 194 та сеялка пухта созланиб, экишга тўлиқ жалб этилди. Яна 355 та мослаштирилган экиш агрегатлари шай турибди. Экиш билан бирга етарли миқдорда минерал ўғитлар ҳам берилаётир. Бунинг учун «Қишлоқхўжаликкимё» корхоналарида минерал ўғитларнинг керакли захираси яратилди. Шунингдек, трактор ва бошқа техника воситаларининг узлуксиз, бир маромда ишлашини таъминлаш мақсадида туманларда машина-трактор паркларининг тажрибали механик-мутахассисларидан иборат гуруҳлар тузилган бўлиб, эҳтиёж туғилганда техникаларга бевосита дала бошида сифатли сервис хизмати кўрсатиш ташкил этилаётир.

Вилоятда кузги ғалла экишнинг бориши ҳақидаги тезкор маълумотга қараганда, кечаги кунгача 2375 гектар майдонга дастлабки барака уруғлари қадаб бўлинган.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## "ДИЛЛАРДА ВАТАН МАДҲИ"

***Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида "Дилларда Ватан мадҳи" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

Мазкур тўпламдан жой олган ижод намуналарида истиқлолнинг ёш авлод тақдиридаги аҳамияти, ёшлар билими ва тафаккури, фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, истеъдодини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни, йигит-қизларимизнинг илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларидаги, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асрашдаги ютуқлари ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилган.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ • ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ГРАНТ МАБЛАҒЛАРИ ДОИРАСИДА

**Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси ёрдами билан республикамиздаги қатор шифохоналар замонавий тиббий анжом ва асбоб-ускуналар билан таъминланмоқда.**

Ўртачирчиқ туманидаги марказий болалар шифохонаси ҳам бундай хизматдан баҳраманд бўлди.

Мазкур хайрия лойиҳаси жамғарма гранти доирасида амалга оширилди. Айни вақтда туб таъмирлаш ишлари ниҳояланди.

**Акбар АЛИЕВ.**

### КОЛЛЕЖДА ЯНГИЛИК

**Юқоричирчиқ қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежида 10 та йўналиш бўйича таълим берилади.**

Бу йилдан таълим масканида русийзабон ўғил-қизлар ҳам таҳсил оладиган бўлишди. Муассасада биринчи марта рус гуруҳи ташкил этилди. Гуруҳга 30 нафар ўқувчи қабул қилиниб, улар солиқ ва солиққа тортиш йўналиши бўйича дарсларни бошлаб юборишди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

### БОЗОРЛАР ЯНГИ ҚИЁФАДА

**Олмалиқдаги «Ойдин» кийим-кечак ҳамда мева-сабзавот бозорларидаги турғун савдо шахобчалари, павильон ҳамда ёзги расталар мукаммал таъмирдан сўнг мутлақ янги қиёфа касб этди.**

– Ҳар иккала бозордаги қурилиш-таъмирлаш ишларига 600 миллион сўмга яқин маблағ сарф этилди, – дейди шаҳар ҳокимлигининг коммунал ва ободончилик масалалари бўйича етакчи мутахассиси Элдор Мирхолиқов. – Шунингдек, Мустақиллик кўчасидаги «Камалак» хиёбонида марказий бозор маъмурияти ҳамда ҳомийлар кўмаги билан янги мева-сабзавот бозорчаси ҳам қуриб битказилди.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

### ХОТИРА – МУҚАДДАС

**Янгийўл тумани «Ниёзбош» қишлоғи марказидаги «Мардлик – мангулик» хиёбонида тадбир бўлиб ўтди.**

Бу ерда туман ҳокимлиги, «Маҳалла» ва «Нуроний» хайрия жамғармалари қишлоқ аҳли билан кенгашиб, шу қишлоқнинг муносиб икки ўғлони – марҳум фахрийлар Абдулла Қурбонов ҳамда Мўмин Каримовнинг ёрқин хотирасига бағишлаб бюст ўрнатишди.

– Хотира қанчалик чуқур бўлса, шунчалик муқаддас ва уйғоқ бўлади, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдурасул Абдураҳмонов. – Бугунгидек хайрли ишдан марҳумларнинг руҳи шодлансин, деймиз.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

# ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

***Биринчи теримдаёқ давлатга пахта топшириш шартномавий режасини бажарган фермер хўжаликлари рўйхати***

| № | Фермер хўжаликлари номи | Ҳосилдорлик, ц/га |
|---|---|---|
| | **Бекобод тумани бўйича** | |
| 1 | Турдиқулов А | 24,7 |
| 2 | Хосилот Бўронов Раим | 33,3 |
| 3 | Юлдуз | 23,5 |
| 4 | Зокир | 25,0 |
| 5 | Қамбар ота | 28,0 |
| 6 | Мирзаев Файзулла | 25,6 |
| 7 | Учқун-Сарвар | 23,5 |
| 8 | Йўлдош Қулдош | 27,8 |
| 9 | Отавали | 26,6 |
| 10 | Алижон ота | 27,8 |
| 11 | Ғанишер | 28,3 |
| 12 | Й. Ортиқов | 28,2 |
| 13 | Тераксор | 27,5 |
| 14 | Фарход | 28,7 |
| 15 | Назарали файз агро | 27,8 |
| 16 | Охуншер Рустам | 23,9 |
| 17 | Усаров Хамзаали | 27,5 |
| 18 | Жахон-Жамол олов | 25,5 |
| 19 | Маҳкамбой хожи | 25,2 |
| 20 | Оқ булоқ | 25,5 |
| 21 | Саидполвон | 26,7 |
| 22 | Боқиева Назира | 25,2 |
| 23 | Қулмуҳаммад | 20,7 |
| 24 | Бурхон | 28,8 |
| 25 | Қўчқор ота | 24,8 |
| 26 | Назира Муқаддас | 23,1 |
| 27 | Насриддин | 25,3 |
| 28 | Нарзулла Омад Файз | 19,0 |
| 29 | Обод Хуршидабону | 26,9 |
| 30 | Шохрухбек Шахзодбек | 25,0 |
| 31 | Кенжа омад барака | 23,2 |
| | **Бўка тумани** | |
| 1 | Аҳмад ота | 30,2 |
| 2 | Элёр | 29,3 |
| 3 | Обиҳаёт Абдулазиз | 25,7 |
| 4 | Гулистон | 41,2 |
| 5 | Очилобод | 29,8 |
| 6 | Шароф бобо Тоир ўғли | 28,5 |
| 7 | Ўзбекистон меваси | 33,0 |
| 8 | Чотқол | 27,0 |
| 9 | Неъмат Мирзо | 26,1 |
| 10 | Жонтой ўғли Қуролтой | 26,0 |
| | **Оққўрғон тумани** | |
| 1 | Бурхон | 32 |
| 2 | Турсунали Абдурасул | 28,3 |
| 3 | Мирзабек набираси | |
| | Фаррух | 30,5 |
| 4 | Олтиной | 26,8 |
| 5 | Ч.Т.О. Алишер Анвар | 33,7 |
| 6 | Эрали | 30,1 |
| 7 | Жамолиддин Маматқулов | 33,7 |
| 8 | Сагат ота | 32,1 |
| 9 | Тонг | 35,0 |
| | **Чиноз тумани** | |
| 1 | Сиропов Ботир | 32,0 |
| 2 | Ерсултон | 33,9 |
| 3 | Зуфаров М | 27,2 |
| 4 | Умид | 39,8 |
| 5 | Ишонч | 32,9 |
| 6 | Бердиев | 34,7 |
| 7 | Килауз | 29,0 |
| 8 | Усмонов Дилмурод | 30,1 |
| 9 | Серикбоев | 20,0 |
| 10 | Султон Баёз | 46,7 |
| 11 | Аҳмедов Абдуқаюм | 33,3 |
| 12 | Акажанов Жумабек | 30,0 |
| 13 | Мулла Қосим набира | 30,3 |
| 14 | Раимов Шокир | 30,7 |
| 15 | Қулматов Мирзараҳмат | 36,1 |
| 16 | Раҳимжонов Ваҳобжон | 32,2 |
| 17 | Убайдуллаев З | 33,8 |
| | **Юқоричирчиқ тумани** | |
| 1 | Мадина Роза | 51,9 |
| 2 | Байаул | 27,7 |
| 3 | Рискелди ота | 24,8 |
| 4 | Омонов Абдулла | 30,4 |
| | **Ўртачирчиқ тумани** | |
| 1 | Шараббой Нуров | 31,1 |
| | **Қуйичирчиқ тумани** | |
| 1 | Қаҳрамон Бегали | 26,0 |
| 2 | Тиллабек ўғли Улан | 28,6 |
| 3 | Азимбек ўғли Обид | 28,8 |
| 4 | Шоира | 27,5 |
| 5 | Мамат | 26,3 |
| 6 | Зиёда Зиё | 27,5 |
| 7 | Алимжон Марҳабо ўғли | 23,9 |
| 8 | Саодат | 35,2 |
| 9 | Зангор | 31,1 |
| 10 | Саид Эркин | 27,5 |
| 11 | Эрматов Давлат Тохирович | 28,6 |
| 12. | Рихсия опа | 27,1 |
| 13 | Собитлик | 27,9 |
| 14 | Ғофур | 26,7 |

*Вилоят пахта штабидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди.*

«Пахта – 2007»



# ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ РАҒБАТ

**Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим мавсуми қизғин паллага кирди. Пахта етиштирувчи туманларда меҳнатга яроқли маҳаллий аҳолининг теримда манфаатдорлик билан иштирок этишларини таъминлаш мақсадида турли рағбатлантириш, дам олиш ва кўнгилочар тадбирлар уюштирилмоқда.**

Айниқса, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши махсус дастур ва жадвал асосида амалга ошираётган тадбирлар терим иштирокчиларига манзур бўлиб, уларни янада завқ-шавқ билан ишлашга руҳлантирмоқда.

Касаба уюшмалари тарғибот гуруҳи вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда режалаштирилган ҳудудларга, бевосита далаларда пахта тераётган маҳаллий аҳоли ва ҳашарчилар ҳузурига ташриф буюриб, махсус концерт дастурларини намойиш этмоқда. Бунда вилоят бадиий академияси қошидаги «Шош наволари», дастаси жамоаси, яккахон хонандалари фаол хизмат қилишаяпти. Илғор теримчиларга вилоят касаба уюшмалари ташкилотчиларининг совғалари топширилмоқда.

Тарғибот гуруҳи йиғим-терим иштирокчилари ҳузурига ташрифини Бекобод тумани пахтазорларидан бошлади. Гуруҳ аъзолари, жумладан, Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида меҳнат қилаётган теримчилар ҳузурида бўлишди. Бу бежиз эмас, албатта. Ҳудудда 9,5 минг аҳоли яшайди. 60 дан зиёд фермер хўжалиги бор. 3500 тоннадан зиёд пахта беради. Бугунгача 20 га яқин фермер хўжалиги шартнома режасини бажарди.

– Аҳолининг меҳнатга яроқли қисми йиғим-теримда баҳолиқудрат иштирок этаяпти, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Собит Тошбоев. – Улар учун ортиқча ташвиқотнинг кераги йўқ. Фақат манфаатдорлик, рағбатлантириш чоралари кўрилса бас. Масалан, терилган пахтанинг ҳақи кунда тўлаб борилаяпти. Бунинг устига турли маданий-маърифий тадбирлар ҳам терим суръатининг кун сайин ошишига туртки бўлаяпти. Хусусан, касаба уюшмаларининг тарғибот гуруҳи ташрифи, намойиш этилган ажойиб концерт дастури, тарқатилган махсус совғалар теримчилар руҳини кўтаради.

Дарвоқе, Собит Тошбоев қишлоқ оқсоқоли бўлиш билан бирга ҳудуддаги энг йирик фермерлардан. 70 гектар ери бор.

– Шундан 30 гектарида пахта етиштирдик, – дейди фермер. – Биринчи терим тугамасданоқ қабул пунктига 78 тонна хом ашё топшириб шартнома режасини бажардик. Энг муҳими, ҳосилнинг ҳаммасини юқори навга сотдик. Далада ҳали пахта кўп. Ҳосилдорлик камида 35 центнерга етади.

– Ҳақиқатан бу йил ҳосил мўл бўлди, – дейди илғор теримчи Латофат Ҳайдарова. – Биз дугонам Лола Эшонқулова билан кунига 200 килограммдан ошириб пахта тераяпмиз. Фермеримиз ҳар килосига 64 сўмдан тўлаяпти. Ҳар куни кечқурун ҳисоб-китоб қилинади. Фақат биз эмас, ҳамма қизиқиш билан тераяпти. Тарғибот гуруҳи даламизга келган куни 180 дан зиёд одам теримга чиқди.

Бугун тарғибот гуруҳи Оққўрғон тумани далаларида бўлиб, терим иштирокчилари руҳини кўтаради.

**СУРАТЛАРДА:**
ташриф лаҳзалари.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**



# ДАВР ВА АДАБИЁТ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" маърузасида ёш авлод онги ва қалбини турли зарарли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, маънавиятини янада юксалтириш муҳим вазифалардан эканлиги алоҳида таъкидланди.***

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари маърузасида мазкур йўналишда белгилаб берилган вазифаларни бажаришда адиблар олдида турган ишлар атрофлича муҳокама этилди.

Йиғилишда уюшманинг назм, наср, драматургия, адабий танқид, болалар адабиёти каби кенгашлари ва жойлардаги бўлимлари фаолияти таҳлил этилди.

**ЎзА.**

# МУТОЛАА БАЙРАМИ

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий "Мутолаа байрами" бошланди.***

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу борада миллий адабиётимиз, хусусан китобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Анъанавий "Мутолаа байрами" ёшларда китобга меҳр уйғотиш, уларни мамлакатимизда чоп этилаётган янги ижтимоий-сиёсий, илмий, бадиий, ҳуқуқий адабиётлар, турли нашрлар билан яқиндан таништиришга хизмат қилмоқда.

Ўн кун давомида пойтахтимиз ҳамда Тошкент вилояти умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими масканлари, олий ўқув юртлари талаба-ёшларининг таниқли адиб ва шоирлар, олимлар билан учрашувлари ташкил этилади. Янги китоблар тақдимоти, китоб кўргазмалари, адабиёт бўйича очиқ дарслар, маънавият сабоқлари, давра суҳбатлари, интеллектуал викториналар бўлиб ўтади.

"Мутолаа байрами — 2007" доирасида фаолият бошлаган Ёшлар ахборот марказида китобхонларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда таълим олишига кўмаклашиш, миллий маънавий-ахлоқий қадриятларни кенг кўламда тарғиб қилиш имкони мавжуд. Янги ахборот технологиялари – маълумотлар электрон базалари, Интернет ресурс-лари асосида ахборот хизмати кўрсатувчи ушбу марказ маданий, таълим, ахборот ҳамда бошқа йўналишлардаги дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш учун таълим муассасалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, миллий маданият марказлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиши кўзда тутилган.

**ЎзА.**

**Пойтахтимиз бозорларида "Асал байрами" савдо ярмаркаси бошланди. У Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида ташкил этилди.**

# АСАЛ БАЙРАМИГА МАРҲАМАТ!



Ярмаркада Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳар асаларичилар жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

– Ташкилотимизнинг қарийб икки юз нафар аъзоси бор, – дейди Тошкент шаҳар асаларичилар жамияти раҳбари Зокир Мирхўжаев. – Уларнинг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришлаб, йилига салкам 200 тонна асал етиштиради. Асал байрами давомида пойтахтимиз аҳолисига ва меҳмонларига сифатли ва арзон асал маҳсулотларини етказиб берамиз.

– Бу йил асалимиз одатдагидан анча мўл бўлди, – дейди асаларичи Турсунхўжа Тожихўжаев. – Мавсум давомида Жиззах вилоятининг тоғли туманларида асалари парваришладик. Бугунги савдо-ярмаркага беш тонна асал олиб келдик.

"Асал байрами" 30 сентябргача давом этади.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

■ Сиёсий партияларда ■

# АСОСИЙ ВАЗИФАЛАР ОЛДИНДА

**Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Истиқлолимизнинг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузаси юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди.**

Бинобарин, унда мамлакатимизнинг ривожланиш босқичлари аниқ-равшан белгиланиб, жамиятни демократик янгилаш ва модернизациялаш даврининг муҳим жараёнларига оид устувор вазифалар тилга олинган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур маъруза теварагида қизғин фикр-мулоҳазалар ўртага ташланиб, унинг асл моҳиятини партия электорат вакиллари, кенг жамоатчилик ўртасида чуқурроқ ўрганишни ташкил этиш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Таъкидланганидек, бу борада ташкилот олдида турган муҳим вазифаларни тўлақонли амалга оширишда партия туман ва шаҳар кенгашлари, депутатлар гуруҳлари ташаббускорлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришни давр шиддатининг ўзи талаб этаётир. Шу мақсадда йиғилишда тегишли тадбирлар дастури, хусусан, партия фаоллари иштирокида ташкил этиладиган оммавий-сиёсий учрашувлар, семинарлар ўтказиш режаси ва муддатлари белгиланиб, муҳокама қилинди.

Йиғилиш сўнгида бу каби анжуманларни партиянинг туман ва шаҳар кенгашларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

■ Фармон ва ижро ■

# ЁШ ОИЛАЛАРДА МУАММО БЎЛСА

## «Ғаллабанк» яқиндан ёрдам беришга тайёр

Ёш оилада нима кўп бўлади? Қувонч, ҳаяжон ва албатта, муаммо. Бундай пайтда катталарнинг четда қараб турмаслиги – келин-куёвга имкон қадар ёрдам бериши халқимизга хос фазилатлардан. Шу боис ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга мамлакатимизда давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида қаралади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг жорий йил 18 майда эълон қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони бунинг ёрқин мисолидир.

Яқинда оила қурган Ғанишер Абдувоҳидовнинг олдида уй-жой муаммоси пайдо бўлган эди. Бунда уларга Президентимиз Ислом Каримовнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган мазкур фармонида белгиланган имконият ва имтиёзлар жуда қўл келди. Зарур ҳужжатларни тўплаб, Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабанк"ка мурожаат этди. Банк пойтахтимиздаги кўп қаватли уйлардан биридан квартира сотиб олиши учун унга 40 миллион сўмлик ипотека кредити ажратди. Ёш оила қисқа муддатда уйли бўлди.

Банк томонидан ажратилаётган бундай кредитларнинг қулайлик жиҳатлари кўп. Аввало, кредит узоқ муддатга – ўн беш йилга берилади. Шунинг уч йили имтиёзли – фақат устама фоизи тўланади. Бунинг устига кредитни узиш учун тўланадиган маблағдан даромад солиғи олинмайди. Фармонда кўзда тутилган бундай имтиёзлар ёш оилаларнинг кредитни тўлаш имкониятларини янада кенгайтиради.

Президентимиз фармонида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида "Ғаллабанк" тизимида ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилмоқда. Шу йилнинг биринчи сентябрига қадар банк томонидан ёш оилаларга 427,2 миллион сўмлик ипотека, 299,7 миллион сўмдан зиёд истеъмол, 613,1 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратилди.

Пойтахтлик Илҳом Толипов эса банкнинг Тошкент вилояти филиалидан олган истеъмол кредити ҳисобига замонавий мебель жиҳозлари харид қилди. Унинг таъкидлашича, истеъмол кредити талай қулайликларга эга. Жумладан, кредитни расмийлаштириш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилган, аризаларни кўриб чиқиш муддати сезиларли даражада қисқартирилган.

Банкда ёш оилаларга истеъмол кредитлари учун асосий қарздорлик бўйича 6 ой, ипотека кредитлари учун эса 3 йил имтиёзли давр белгиланган бўлиб, бундай кредит 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Ана шундай қулайликлар сабаб "Ғаллабанк"нинг жойлардаги филиаллари томонидан биргина август ойининг ўзида ёш оилаларга берилган имтиёзли кредитлар миқдори 319,4 миллион сўмни ташкил қилди.

Банк мутахассисларининг таъкидлашича, ёш оилаларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида жорий йил охирига қадар яна 3 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган.

Президентимиз фармонига биноан мамлакатимиздаги бошқа банклар томонидан ҳам имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш (ижарага олиш), уй-хўжалигини йўлга қўйиш ҳамда мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш мақсадлари учун жорий йилда жами 50 миллиард сўм ажратилиши кўзда тутилган.

**Жасур КЕНГБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# БУНГА ЗИНҲОР РУЖУ ҚЎЙМАНГ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир янги авлод кадрларини тайёрлаш муҳим масала эканлиги алоҳида таъкидланди.**



Мазкур жараёнга нафақат ота-оналар, таълим даргоҳлари, балки жамоатчилик ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳам кенг жалб этилган. Хусусан, ички ишлар идоралари тизимида вояга етмаганлар ва ёшлар билан мунтазам иш олиб борувчи профилактика инспекторлари фаолияти кенг йўлга қўйилган.

Маҳаллалардаги милиция таянч пунктлари атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари, вояга етмаганлар ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари барпо этилгани жамиятдаги муҳитни янада соғломлаштиришда муҳим ўрин тутади. Яратилаётган бундай шарт-шароит ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, профилактика инспекторларининг жамоатчилик билан ҳамжиҳатлиги тобора мустаҳкамланаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда. 2006 йили мамлакатимизнинг қарийб уч минг маҳалласида, жорий йилнинг ўтган даврида тўрт мингга яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг яққол тасдиғидир.

Бунда қимор ўйинларини ташкил этишга оид фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш, қимор бизнесининг салбий оқибатларидан огоҳлантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Дарҳақиқат, бу иллат миллий урф-одатларимизга мутлақо ётдир.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник Шавкат Ҳикматовнинг таъкидлашича, қимор ўйинлари билан боғлиқ жараён қатъий тартибга солинмоқда. Ички ишлар идоралари тизимида бу борада зарур чора-тадбирлар амалга ошириляпти. Хусусан, қиморга ружу қўяётганлар, қиморхоналар ташкил этаётганлар аниқланиб, тегишли тартибда жавобгарликка тортиляпти. Қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ташкил этиш ва ўтказишга йўл қўйилмайди. Шунингдек, эндиликда телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет провайдерлари томонидан айнан шу йўналишда хизматлар кўрсатиш мумкин эмас.

Ёшлар маънавиятига жиддий салбий таъсир кўрсатувчи бу иллатга қарши курашда жавобгарликнинг қонун асосида кучайтирилгани айни муддао бўлди. Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида "Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда ўтказишни тартибга солиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур чора-тадбирлар амалда ўз самарасини бериб, қимор билан боғлиқ ҳолатлар камаяётгани кузатилмоқда. Жорий йилда амалга оширилаётган тезкор тадбирлар натижасида қиморхона ташкил этган 28 нафар шахс фаолиятига чек қўйилди. 83 нафар шахс қимор ўйини ўтказгани учун тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Қисқаси, ёшларни ҳар жиҳатдан соғлом, шу юртга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш учун барча чора-тадбирлар кўрилмоқда. Зотан, соғлом муҳит соғлом жамият асосидир.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЭЪТИБОРДАН МАМНУН БЎЛДИК

***Ҳукуматимиз кейинги йилларда биз, кексаларга ҳар жиҳатдан қулайликлар яратиб, алоҳида иззат-икром кўрсатмоқдаки, бундай ҳурмат-эътибордан кўксимиз фахр-ифтихорга тўлмоқда.***

Хусусан, мамлакатимиз тарихий обидалари, муқаддас қадамжолар ҳамда пойтахтимиз бўйлаб уюштирилаётган саёҳатлар, юртимизнинг сўлим гўшаларидаги сиҳатгоҳларга бепул берилаётган йўлланмалар бизни янада руҳлантирмоқда.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик қутлуғ байрами муносабати билан касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шундай савобли ишга бош-қош бўлди. Тошкент туманидаги «Орзу» ресторанида уруш ва меҳнат фахрийлари, кўп болали ва кам таъминланган оилалар вакиллари учун катта байрам тадбири ўтказилди. Йиғилганларга байрам дастурхони ёзилиб, хушовоз хонандалар иштирокида концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши кам таъминланган ва кўп болали оналар, ёлғиз кексалар ва уруш ҳамда меҳнат фахрийларига республикамизнинг ўнга яқин сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар берди. Шулар қаторида мен ҳам «Бўстон» сиҳатгоҳида ҳордиқ чиқариб келдим. Яратилган шарт-шароитлар бизни қувонтирди. Куну тун малакали шифокорлар, ҳамширалар эътиборида бўлдик.

**Исроил ИСМОИЛОВ,**
**Янгийўл тумани.**

